

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

23 октябрь 2017 й.г.

№ 862

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Йўл-патрул хизмати стационар постларини босқичма-босқич
қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш тадбирлари
дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сон қарорига мувофиқ ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг йўл-патрул хизмати стационар постларида тегишли шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2018-2022 йилларда Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг йўл-патрул хизмати стационар постларини босқичма-босқич қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш тадбирлари дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг йўл-патрул хизмати стационар постларини (кейинги ўринларда ЙПХ деб аталади) босқичма-босқич қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш доирасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари – буюртмачилар этиб;

бош лойиҳалаштириш ва пудратчи ташкилотлар – белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

илгари модернизация қилинган ЙПХ постлари, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона марказлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда, ЙПХ стационар постлари қулай жойлаштирилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, шунингдек ЙПХ стационар постларининг тасдиқланган намунавий схемаларга қатъий мувофиқ равишда қурилиши ва реконструкция қилиниши юзасидан назоратни таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш доирасида:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва оптик алоқа линияларини ўтказиш учун зарур рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари ташкил этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда трассаларни топографик суратга олиш ишларини ҳамда ташқи муҳандислик коммуникацияларини куриш учун белгиланган тартибда ер участкалари берилишини ташкил этсин.

5. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомаларига биноан:

ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш доирасида оптик алоқа линиялари ўтказиш ишларини бажариш учун пудратчи ташкилотларни белгиланган тартибда аниқласин;

маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатсин ва замонавий телекоммуникация тармоқларини барпо этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ва бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар йили тасдиқланадиган маблағлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2018 йилдан бошлаб, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция ҳамда модернизация қилиш учун капитал маблағлар лимитларини назарда тутсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

* Илова рус тилидаги матнда берилган.